

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТОЖИДИНОВ МАШҲУРБЕК БАХОДИРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА АКРИЛ МОНОМЕРЛАРИНИ
ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Тожидинов Машхурбек Баходирович

Маҳаллий хомашёлар асосида акрил мономерларини

олиш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Тожидинов Машхурбек Баходирович

Разработка технологии получения и применения акриловых мономеров

на основе местного сырья.....21

Tojidinov Mashhurbek

Development of production technology and application of acrylic monomers

based on local raw materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТОЖИДИНОВ МАШҲУРБЕК БАХОДИРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА АКРИЛ МОНОМЕРЛАРИНИ
ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/T2252 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tkititi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Масъуд Убайдулла ўғли
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мухамедгалиев Бахтиёр Абдукадирович
кимё фанлари доктори, профессор

Каттаев Нуриддин Тўраевич
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат кончилик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.T.87.01 рақамли илмий кенгашининг «10» фев 2022-йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.: (+99895) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: ooo_tniixt@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№16 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.: (+99895) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: ooo_tniixt@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «28» ғув куни тарқатилди.
(2022 йил «28» ғув даги 3 рақамли реестр баённомаси).



А.Т. Джалилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф., академик

Ш.Д. Широшов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф. PhD.

Х.С. Бекназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда саноат ишлаб чиқариши ва халқ хўжалигининг ривожланиб бориши билан турли физик ва кимёвий хусусиятларга эга бўлган полимерлар ва улар асосида тайёрланадиган маҳсулотларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Хусусан, қурилиш саноати, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда қўлланилувчи геллар, лок – бўёқ маҳсулотлари ва қопламалар ҳамда ойна ва бошқа эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда асосий хомашё ҳисобланувчи акрил мономерларнинг олиш усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга

Бугунги кунда жаҳонда акрил мономер, жумладан, акрил кислотаси ва унинг ҳосилаларини арзон хомашёлардан синтез қилишнинг янги, экологик хавфсиз ва иқтисодий самарадор усуллари ишлаб чиқиш ҳамда уларни саноат ва маиший турмушнинг турли соҳаларида қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда сирка кислотаси ва формальдегид асосида акрил мономерлари ва унинг ҳосилаларини олишнинг янги самарали технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд технологияларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда

Мамлакатимизда охириги йилларда амалга оширилаётган кенг чоратадбирлар натижасида кимё ва фармацевтика саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш, хомашёларнинг янги захираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш борасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш орқали кимё саноатини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш билан янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПҚ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3-апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947сон фармони.

оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мономер моддалар синтези, қонуниятлари ва хоссаларини ўрганиш бўйича Мурье, Koningsberger C., Solomon G., Мавсумзаде Э.М., Castelli A., Centi G., Leihong Zao., Jin M.H., Ueda W., Chieregato A., Vitcha., Li X., Zang Y., Lui L., Landi G., Pestana C., Nebesniy R.V., Jo Y.S., Arjunan V., Wang A., Kerler B., Lopez J.M., Havecker M., Kum S.S., Paula A.S., Thanasilp S., Ohara T., Witsuthammakul A., Dimian A.C., Rajonk G.M., Т.А. Сулейманов, А.Т. Джалилов, С.Ш. Рашидова, А.Г. Махсумов, Ф.А. Магруппов, О.С.Максумова, С.М. Туробжонов., А.С. Рафиқов, М.Г. Мухамедиев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан акрил мономерларини синтезининг турли хил усуллари, синтез жараёнларига турли омилларнинг таъсири, акрил мономерлари асосида полимер моддаларнинг олиниши ва уларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилиши ўрганилган ва саноатга жорий этиш тавсия этилган.

Айни пайтда, маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида акрил мономерлари ҳамда уларнинг янги турларини кенгайтириш мақсадида фаол гуруҳларни ўз ичига олган бирикмалар билан модификациялаш, ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини яратиш ва амалиётда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-БВ-2019-16 “Оролбўйи худудларидаги туз ва кум кўчишини бартараф этадиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган янги авлод наноелимлари ва гидрогель ишлаб чиқиш” (2019 – 2021 йй), БФ-7 - 001. "Маҳаллий хомашё асосида сув ютувчи абсорбентларни ишлаб чиқариш ва уларни нефт қазиб олиш интенсификациясини ошириш учун сув ютувчи сифатида ишлатиш" (2017 – 2020 йй), МУ-ПЗ-2017.102534 "Маҳаллий хом ашё асосида янги гидрогелларни синтез қилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш "(2018 – 2019 йй) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлар асосида акрилонитрил, акрил кислота ва акрилоилмочевина мономерларини синтез қилиш ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ацетонитрил, ацетилмочевина, формальдегид ва натрий гидроксид асосида акрилонитрил ҳамда акрилоилмочевина синтез қилиш;

сирка кислотаси ҳамда формальдегиддан фосфор ва ванадий асосли

катализаторлар ёрдамида акрил кислотасини синтез қилиш;
синтез қилинган акрил мономерларининг тузилиши ва хоссаларини физик – кимёвий усуллар ёрдамида ўрганиш;

акрил мономерлари асосида олинган гидрогелларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва тузилишини замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида тадқиқ қилиш;

олинган гидрогелларнинг сорбцион хусусиятларига уларни олиш жараёнида даслабки моддаларнинг миқдорий нисбатларининг таъсирини ўрганиш;

маҳаллий хомашёлардан акрил мономерларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва техник – иқтисодий асослаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида сирка кислотаси, формалин, ацетонитрил, ацетилмочевина, натрий гидроксиди, катализаторлар, улар ёрдамида синтез қилинган акрилонитрил, акрил кислотаси, акрилоилмочевина мономерлари ва ушбу мономерлар асосида олинган гидрогеллар, бўёвчи маҳсулотлар ва оловбардош қопламалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хомашёлар асосида акрил мономерларини синтез қилиш ва ушбу мономерлар асосида олинган полимерлар, гидрогеллар, қопламалар ва бўёвчи маҳсулотларнинг тузилиши ҳамда физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ҳамда қўллаш технологиясини ишлаб чиқишни ташкил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида ИҚ-, газ хроматомасс-спектрометрияси, ядро магнит резонанс (ЯМР), дифференциал термогравиметрик таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мавжуд усулларга нисбатан паст ҳарорат ва атмосфера босимида ацетонитрил ва формальдегид асосида акрилонитрил синтез қилинган ҳамда синтез жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида газ фазада акрил кислотаси синтези учун янги катализатор ишлаб чиқилган.

сирка кислота ва мочевина асосида синтез қилинган ацетилмочевина билан формальдегиднинг ўзаро таъсирлашуви натижасида акрилоилмочевина синтез қилинган ҳамда унинг тузилиши замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида исботланган;

синтез қилинган акрил мономерлари асосида юқори бўкувчан гидрогеллар олинган ва уларнинг бўқиш даражаси дастлабки мономерларнинг ўзаро нисбатларига боғлиқлиги исботланган;

синтез қилинган акрил мономерлари асосида сувли дисперс бўёқлари олинган ва унинг ГОСТ 28196 – 89 стандарт талабларига мувофиқлиги аниқланган;

Маҳаллий хомашёлар асосида акрил мономерларини олиш ва уларни қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

акрилонитрил синтезининг, паст ҳарорат ва атмосфера босимида амалга ошадиган ҳамда инсон саломатлиги учун хавфсиз бўлган янги усули ишлаб чиқилган;

сирка кислотаси ва формальдегид асосида акрил кислотаси синтезининг каталитик методи учун янги катализатор ишлаб чиқилган;

таркибида винил гуруҳи мавжуд бўлмаган моддалар асосида акрилоилмочевина олиш технологияси ишлаб чиқилган;

синтез қилинган акрил мономерлари асосида юқори бўқувчан гидрогеллар, бўёвчи маҳсулотлар ва ёғоч материаллар учун оловбардош қопламалар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган моддаларни таркиби, тузилиши ва хоссаларининг таҳлилида замонавий физик-кимёвий усуллар: ИК-спектроскопия, газ хроматомасс спектрометрия, ядро магнит резонанс, сканерловчи электромикроскопия усулидан ҳамда моддаларни таркибий қисмини аниқлашда элемент ва дифференциал термогравиметрик таҳлил усулларидан фойдаланилганлиги, шунингдек назарий ва тажриба тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти винил гуруҳи сақламаган маҳаллий хомашёлар асосида акрил мономерларининг синтези амалга оширилганлиги, жараён боришига турли омилларнинг таъсири аниқланганлиги, ҳамда олинган мономерлардан радикал полимерланиш усулида полимер маҳсулотлар олишнинг мақбул шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти винил гуруҳи сақламаган маҳаллий хомашёлар асосида акрил мономерлари олишнинг технологияси ишлаб чиқилганлиги ва улар асосида олинган гидрогеллар қишлоқ ҳўжалигида, акрил эмульсиялари ҳамда ёнғинбардош қопламалар қурилишда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида акрил мономерларини олиш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

акрил мономерлари асосида фасад бўёқларини ишлаб чиқариш технологияси “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида амалиётга жорий қилинган (“BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг 2021 йил 10 сентябрдаги 47-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий хомашёлар асосида сувда эрувчан ВД-АК-111 маркали фасад бўёқларини олиш имконини берган;

акрил мономерлари асосида олинган полимер гидрогеллар “Саидмурот олтин дала” ф/х ва “Ортиқов Носир Тожимуродович” ф/хда амалиётга жорий қилинган (“BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг 2021 йил 10 сентябрдаги 47-сон маълумотномаси).

Натижада, пахта ҳосилдорлигини 12 ц га ошириш ҳамда сув ва минерал ўғитларни 20-25% гача тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 14 та, жумладан 10 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, 109 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Акрил мономерларини синтез қилишнинг ривожланиш истиқболлари, замонавий усуллари ҳамда қўлланилиши**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили берилган бўлиб, унда акрил мономерлари ва уларни синтез қилишнинг ривожланиш истиқболлари, янгича замонавий ҳолати ва акрил мономерларининг қўлланишига бағишланган ишлар таҳлил қилинган. Акрилонитрил, акрил кислотаси ва акрилоилмочевина синтез қилиш усуллари, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, ишлатилиши муҳокама қилинган ва бу изланиш истиқболли йўналишлардан бири эканлиги ёритилган.

Диссертациянинг «**Изланиш объектларини физик – кимёвий хоссалари, олиниши ва тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектлар ва уларнинг тавсифлари, синтез жараёнлари ва акрил мономерларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш усуллари асосланган. ИҚ-спектроскопия, ядро магнит резонанс –, газ хроматомасс спектроскопия усуллари ёрдамида синтез қилинган акрил мономерларининг структурасини аниқлашга ёндашув тавсифланган. Шунингдек, синтез қилинган акрил мономерларининг полимерланиш қонуниятлари, олинган полимерларнинг ковушқоқликлари ва ўртача молекуляр массалари ўрганилган ҳамда полимерларнинг дифференциал ва термогравиметрик тадқиқотлар асосида ўрганиш натижалари келтирилган.


Ацетонитрил ва формальдегиддан акрилонитрил синтези.

Акрилонитрил синтезида маҳсулот унумига дастлабки хомашёлар: ацетонитрил ҳамда формальдегиднинг миқдорий нисбатларининг, реакция давомийлигининг ва ҳароратнинг боғлиқлиги ўрганилди.

1-жадвал

Акрилонитрил унумига моддалар моль нисбатлари ва реакция давомийлигининг таъсири.

№	Моль нисбатлари	Вақт, соат	Унум, %	№	Моль нисбатлари	Вақт, соат	Унум, %
1	1:0,5	6	17,3	11	1:0,5	18	29,8
2	1:1		19,8	12	1:1		36,4
3	1:1,5		23,3	13	1:1,5		42,4
4	1:2		27,7	14	1:2		51,3
5	1:3		28,4	15	1:3		52,1
6	1:0,5	12	24,2	16	1:0,5	24	35,9
7	1:1		29,5	17	1:1		43,2
8	1:1,5		33,4	18	1:1,5		52,5
9	1:2		39,6	19	1:2		65,2
10	1:3		40,2	20	1:3		65,2



1-расм. Маҳсулот унумига реакция давомийлигининг ва моддалар моль нисбатининг боғлиқлиги графиги.

Олинган натижалардан акрилонитрилни синтез қилиш учун бошланғич реактивларнинг нисбати 1:2 бўлганда ва реакция 24 саот давом этганда маҳсулот унуми 65,2 % га тенг эканлиги маълум бўлди. Бу натижалар акрилонитрил синтези учун мақбул шароит эканлиги аниқ бўлди.


2 – жадвал.

Акрилонитрил унумига ҳароратнинг таъсири

№	Моль нисбати	Реакция давомийлиги, соат	Ҳарорат, °С	Унум, %
1	1:2	24	40	31,1
2			50	45,7
3			60	57,6
4			70	65,2
5			80	61,4


Юқорида келтирилган 2 – жадвалдан маълум бўладики, ҳарорат 70 °С бўлганда акрилонитрилнинг чиқиш унуми энг юқори натижа 65,2 % га эришилди.

Олинган акрилонитрил физик – кимёвий усуллар ёрдамида текширилди. Акрилонитрилни дастлаб рефрактометр ёрдамида нур синдириш кўрсаткичи аниқланди. Акрилонитрилнинг нур синдириш кўрсаткичи $n_D^{20} = 1.3914$ га тенг эканлиги аниқланди. Сўнгра акрилонитрилнинг ИҚ – спектри таҳлил қилинди.




2 – расм. Олинган акрилонитрилнинг ИҚ – спектри.

Акрилонитрил тўйинмаган нитриллар қаторига мансублиги туфайли – CN гуруҳи 2229 cm^{-1} ютилиш соҳасида юзага келади. Шунингдек, акрилонитрил учун хос бўлган боғланишлар бири бу $\text{CH}_2=\text{CH}$ - гуруҳи ҳисобланади, ва у акрилонитрилнинг спектрида 1732 cm^{-1} қийматдаги ютилиш соҳасига тегишлидир. Қолаверса, $\text{C}=\text{C}$ боғи 1411 cm^{-1} соҳада намоён бўлади.



3 – расм. Синтез қилинган акрилонитрилнинг ЯМР спектри

Акрилонитрилнинг ЯМР спектрида акрилонитрил молекуласидаги 3–углерод атомларида жойлашган а) протонларининг дублет – дублет сигналлари 6,078 – 6,081 м.у. ва 6,108 – 6,110 м.у. соҳада ва б) протонларининг дублет – дублет сигналлари эса 6,219 – 6,263 м.у. соҳада кузатилади. 2 – углерод атомидаги протонларининг дублет – дублет сигналлари эса 5,642 – 5,671 м.у. ва 5,686 – 5,715 м.у. соҳаларда кузатилади. Дейтерийли хлороформ протонининг синглет сигнали 7,291 м.у. соҳасида кузатилади.



4 – расм. Олинган акрилонитрилнинг газ хроматомасс – спектроскопияси.


Олинган акрилонитрилнинг газ хроматомасс-спектрометрияси усули ёрдамидаги таҳлилидан 2.309 соҳада акрилонитрил (2-пропеннитрил) мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Акрил кислотасининг синтез жараёнини ўрганиш ва уни физик–кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил қилиш. Сирка кислотаси ва формальдегиддан буғ фазада акрил кислотасининг олиниши каталитик жараён асосида олиб борилган.

3 – жадвал



Моддалар моль нисбатлари ва ҳароратнинг маҳсулот унумига таъсири.

№	Моль нисбатлари	Ҳарорат, °С	Унум, %	№	Моль нисбатлари	Ҳарорат, °С	Унум, %
1	1:1	280	18,8	11	1:1	320	45,3
2	1:2		25,4	12	1:2		53,4
3	1:3		31,8	13	1:3		64,8
4	1:5		40,8	14	1:5		83,2
5	1:10		43,1	15	1:10		83,2
6	1:1	300	31,5	16	1:1	340	45,3
7	1:2		39,7	17	1:2		53,4
8	1:3		50,4	18	1:3		64,8
9	1:5		64,5	19	1:5		83,2
10	1:10		66,7	20	1:10		83,2



5 – расм. Маҳсулот унумига моддалар нисбати ва ҳароратнинг таъсири.



Юқорида келтирилган натижалардан маълум бўладики, формалин ва сирка кислотасининг миқдорий нисбати 1:5 ва ҳарорат 320 °С бўлганда акрил кислотанинг чиқиш унуми энг юқори бўлади ва ушбу жараён учун бу параметрлар мақбул ҳисобланади.



6 – Расм. P/V моль нисбатининг акрил кислотасининг унумига таъсири


7 – расм. Катализаторнинг элемент таҳлили

Юқоридаги жадвал ва графикдан, катализатор таркибидаги фосфор ва ванадийнинг атом нисбати (P/V) 1,5 га тенг ва ҳарорат 320 °С бўлганда ушбу реакция учун мақбул ҳолат ҳисобланади. Катализаторнинг элемент таҳлилидан ҳам маълум бўладики, катализатор таркибидаги фосфор ва ванадийнинг миқдорий нисбатлари деярли 1,5:1 га тенг эканлигини кўришимиз мумкин.




8 – расм. Сирка кислотасининг ва акрил кислотасининг ИҚ – спектри

Сирка кислотаси ва акрил кислотасининг ИҚ – спектрларини солиштирганимизда ва таҳлил қилганимизда шу нарса аниқ бўлдики, ютилиш соҳаларидаги асосий ўзгариш 1705 см⁻¹ ва 1725 см⁻¹ соҳаларга мос келади. Адабиётлардаги келтирилган маълумотлар кўра, бу ютилиш соҳалари мос равишда сирка кислотаси –CH₂-COOH ва акрил кислотаси C=C-COOH учун мос частота ҳисобланади. Шунингдек, 1633 см⁻¹ соҳада акрил кислотаси молекуласидаги C=C ва 1431 см⁻¹ соҳа O-H боғ учун мос частота ҳисобланади.



9 – расм. Акрил кислотасининг ЯМР спектри.

Акрил кислотасининг ЯМР спектрида акрил кислотасидаги 3 – углерод атомларида жойлашган а-протонларининг дублет – дублет сигналлари 5,95 – 5,96 м.у. ва 5,985 – 5,988 м.у. соҳаларда ва b-протонларининг дублет – дублет сигналлари эса 6,504 – 6,508 м.у. ва 6,546 – 6,552 м.у. соҳаларда кузатилади. 2 – углерод атомидаги протонларининг дублет – дублет сигналлари эса 6,111 – 6,138 м.у. ва 6,154 – 6,181 м.у. соҳаларда кузатилади. Дейтерийли хлороформ протонининг синглет сигнали 7,276 м.у. соҳасида кузатилади.



10 – расм. Акрил кислотасининг газ хроматомасс-спектрометрияси.



Акрил кислотасининг газ хроматомасс-спектрометрияси таҳлилидан маълумки, 3.592 соҳада акрил кислотасининг мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2.776 соҳаларда акрил кислотасини олиш учун фойдаланилган хомашё-сирка кислотасининг мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг «Акрилонитрил, акрил кислотаси ва акрилоилмочевинани қўллаш жараёнининг тадқиқоти» деб номланган учинчи бобда синтез қилинган акрил мономерлар ёрдамида гидрогеллар олиш ва бўёвчи маҳсулотлар олиш жараёнлари, уларнинг электрон сканерловчи микроскопияси, элемент анализ тадқиқотлари натижалари муҳокама қилинган.

Акрил кислотаси ва акриламид асосида гидрогел олиш учун 15 г акрил


кислотаси мономерни дастлаб 1 М ли ўювчи натрий эритмаси билан қисман нейтралланиб, сўнгра аста секин қиздирилиб, дастлаб 5 г акриламид, сўнгра мономер массасига нисбатан 0,1% дан 3% гача боғловчи реагент – N,N – метиленбисакриламид ҳамда инициатор калий персульфат эритмаси қўшилиб, инерт газ муҳитида полимерланиш жараёни амалга оширилди. Сополимерланиш жараёни 4 соатгача давом этди. Олинган гидрогел вакуумда 50 °С ҳароратда доимий массагача қуритилди.

Олинган гидрогелнинг сканерловчи электрон микроскопдаги тасвири ва элементлар таҳлили келтирилган.



11 – расм. Акрил кислотаси ва акриламид асосидаги гидрогелнинг СЭМ тасвири ва элементлар таҳлили.

Сўнгра акрил кислотаси ҳамда акриламид асосида олинган гидрогелнинг ИҚ – спектри таҳлили амалга оширилди. Гидрогелнинг ИҚ – спектри қуйидаги 12 – расмда келтирилган.




12 – расм. Акрил кислотаси ва акриламид асосидаги гидрогелнинг ИҚ – спектри.

Акрил кислотаси ва акриламид асосидаги гидрогелнинг ИҚ – спектрида 3300 см⁻¹ соҳада ОН гуруҳининг валент тебранишларини кўришимиз мумкин. 2926 см⁻¹ ва 2854 см⁻¹ тебраниш соҳалари акрил кислотаси ва акриламид полимерланганда таркибидаги қўшбоғларни узилишидан ҳосил бўлган –СН₂– ва –СН– гуруҳларига тегишли боғлар ҳисобланади. 1699 см⁻¹, 1556 см⁻¹, 1448 см⁻¹ ва 1404 см⁻¹ соҳалар гидрогел молекуласидаги карбоксил, карбоксилат ва карбоксиламид гуруҳларини ифодалайди. 1240 см⁻¹ ва 1165 см⁻¹ соҳаларда акриламид ва метиленбисакриламид таркибидаги –NH₂ ва –NH гуруҳларининг валент боғланишларини кўришимиз мумкин.

Навбатдаги тадқиқотда акриламид ва акрил кислотасининг масса нисбатларини ҳамда боғловчи реагентнинг миқдорини гидрогелнинг


бўкиш даражасига таъсирини ўргандик. Акриламид ва акрил кислотасининг масса нисбатларида акриламиднинг миқдорини ортиши гидрогелнинг бўкиш даражасига тўғри пропорционал экан. Биз энг мақбул вариант сифатида олинадиган гидрогелнинг таннархини ҳисобга олган ҳолда 1:3 нисбатдагисини қабул қилдик. Боғловчи реагентнинг миқдорини ортиши дастлаб гидрогелнинг бўкиш даражасига ижобий таъсир этади, сўнгра бўкувчанлиги боғловчи реагент миқдорини ортиши билан камайиб боради. Энг яхши натижага боғловчи реагентнинг миқдори 0,5% бўлганда эришилди.



13 – расм. Акриламид ва акрил кислотасининг масса нисбатини ҳамда боғловчи реагент миқдорини гидрогелнинг бўкувчанлигига таъсири.


КМЦ ва акрил кислотаси асосида гидрогел олиш учун дастлаб КМЦ нинг 5% ли сувдаги эритмаи тайёрланади. Эритма 70 °С ҳароратда тўлиқ эриб кетгунча доимий аралаштирилиб турилади. Сўнгра эритма кенг юзали шиша идишга қуйилиб, 85 – 90 °С ҳароратда тўлиқ қуритилади. Олинган плёнкасимон модда яхшилаб майдаланади. Кейин майдаланган КМЦ стаканга солиниб, унинг устига умумий хомашё массасига нисбатан 30% миқдорда акрил кислотаси ва керакли миқдордаги сув қўшилиб, яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра аралаштиргич ёрдамида доимий аралаштирилиб турилган ҳолда аста – секинлик билан калий персульфат, натрий тиосульфат ва боғловчи реагент МБА эритмалари қўшилади. Гелсимон модда ҳосил бўлгандан сўнг реакция тўхтатилади ва олинган гел доимий оғирликкача вакуум қуритиш шкафида қуритилади.

14 – расмда КМЦ ва акрил кислотаси асосида олинган гидрогелнинг СЭМ тасвири ва элемент таҳлили келтирилган.





14 – расм. КМЦ ва акрил кислотаси асосида олинган гидрогелнинг СЭМ тасвири

Навбатдаги тадқиқот ишимиз КМЦ ва акрил кислотаси асосида олинган гидрогелнинг ИҚ – спектри ўрганишдан иборат бўлди (15 – расм).



15 – КМЦ ва акрил кислотаси асосида олинган гидрогелнинг ИҚ - спектри

Олинган гидрогелнинг ИҚ - спектрида 3217 см^{-1} соҳада эркин ОН гуруҳларининг тебраниш частоталари кузатилса, 2914 см^{-1} соҳада CH_3 – ва 1411 см^{-1} соҳада CH_2 – гуруҳларининг валент тебраниши юз беради. 1716 см^{-1} карбоксил гуруҳи ва унинг тузларининг валент тебранишларига мувофик келади.




16 – расм. КМЦ ва АК масса нисбатларини ҳамда боғловчи реагент миқдорини гидрогелнинг бўқиш даражасига таъсири

Юқорида келтирилган 16 – расмдан кўриниб турибдики, КМЦ ва акрил кислотасининг масса нисбатида акрил кислотасининг миқдори ортиши билан ортиб боради. Олинадиган гидрогелнинг таннархи ва бўқувчанлигини ҳисобга олган ҳолда энг мақбули деб КМЦ ва АК нинг масса нисбати 70/30 бўлган ҳолдагисини қабул қилдик. Шунингдек, боғловчи реагентнинг миқдорини ортиши дастлаб гидрогелнинг бўқиш даражасига ижобий таъсир этади, сўнгра бўқувчанлиги боғловчи реагент миқдорини ортиши билан камайиб боради. Энг яхши натижага боғловчи реагентнинг миқдори 0,3% бўлганда эришилди.


Диссертациянинг «Акрилонитрил, акрил кислотаси ва акрилоилмочевина олишнинг техник – иқтисодий самарадорлиги ва

технологик схемаси» деб номланган тўртинчи бобида акрил мономерларини олиш технологияси ва техник иқтисодий кўрсаткич натижалари муҳокама қилинган.



17 – расм. Акрилонитрил ва акрилоилмочевина ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.

Акрилонитрил олиш учун 1,2,3 – дозаторлардан ацетонитрил, формалин ва ишқор эритмалари керакли микдорда ўлчаниб, 5 – реакторга куйилади. Реакторда 60 – 70 °С ҳароратда 12 соат давомида аралаштирилиб турилган ҳолатда реакция олиб борилади. Сўнгра ҳосил бўлган акрилонитрилни ажратиб олиш учун аралашма 6 – насос ёрдамида 7 – ректификацион колоннага юборилади. Ректификацион колоннада вакуумда ҳароратлар фарқи ва тарелкалар сони ҳисобига аралашмадан ҳосил бўлган акрилонитрил, реакцияга киришмай қолган ацетонитрил, формалин ажратилади ҳамда 8 – совуткич ёрдамида конденсатланади. Акрилонитрил 9 – сиғимга йиғилади. Формалин ва ацетонитрил 10, 11 – сиғимларга йиғилиб, ишлаб чиқаришга қайтарилади. Системада вакуум 12 – буғ – эжекторли вакуум насос ёрдамида ҳосил қилинади. Вакуум системада ҳосил бўлган конденсатлар 13 – барометрик кудукда йиғилади.



18 – расм. Акрил кислота ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.

Акрил кислотаси ишлаб чиқариш учун музлатилган (ледяной) сирка кислотаси 1 – дозатор орқали ўлчаниб, 3 – насос ёрдамида 5 – қиздиргич орқали қиздирилиб, 6 – реакторга берилади. Сирка кислотаси билан бир вақтда формалин ҳам 2 – дозатор орқали ўлчаниб, 3 – насос ёрдамида 4 –

қиздиргич орқали қиздирилиб, катализатор жойланган 6 – реакторга берилади. Реакторга катализатор орқали 320 – 340 °С ҳароратда сирка кислотаси ва формалин ўтказилади. Реактордан чиққан моддалар аралашмаси 7 – ректификацион колонна юборилади ва ректификацион колонна ёрдамида акрил кислотаси, сирка кислотаси, формалин вакуумда ҳайдалиб ажратилади. Акрил кислотаси 8 – совутгичда конденсатланиб, 11 – сифимга, сирка кислотаси ва формалин эса 9, 10 – сифимларга йиғилади. Сирка кислотаси ва формалин ишлаб чиқаришга қайтарилади. Системада вакуум 12 – буғ – эжекторли вакуум насос ёрдамида ҳосил қилинади. Вакуум системада ҳосил бўлган газ моддаларнинг конденсатлари 13 – барометрик кудукда йиғилади.

Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлиги. Тадқиқот натижаларига кўра, ацетонитрил, сирка кислотаси, формалин, ацетилмочевина асосида акрилонитрил, акрил кислотаси ва акрилоилмочевина олинган бўлиб, олинган акрил мономерлари саноатнинг турли соҳаларида, хусусан, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, машинасозликда қўлланилади. Тадқиқот натижалари асосида олинган акрил мономерларининг таннархлари импорт қилинаётган шу турдаги акрил мономерларининг таннархлари билан ўзаро таққосланди.

Тошкент кимё – технология илмий тадқиқот институти базасида олинган акрил мономерлари асосида “BMAX PAINTS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида фасад бўёқлари намуналарини олишда амалиётга жорий қилинган (“BMAX PAINTS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг 2021 – йил 10 – сентябрдаги 47 – сон маълумотномаси). Натижада, акрил мономерлари асосида сувда эрувчан ВД – АК – 111 маркали фасад бўёқлари намуналарини олиш имконини берган.

1 тонна акрилонитрил ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашё нархлари фақат бошланғич модданинг ўзи учун 31016800 сўм сарфланади.

Синтез қилинган акрилонитрилни ишлаб чиқариш учун барча харажатлар ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотнинг бозор иқтисодиётида 1 тонна тайёр маҳсулот учун 43625043 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди.

Синтез қилиб олинган акрилонитрилнинг ишлаб чиқаришда 1 кг тайёр маҳсулотнинг нархи 43625,043 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди.

Четдан импорт қилинадиган акрилонитрилнинг Ўзбекистондаги 1 кг маҳсулотининг нархи 57000 сўмга тенг эканлиги кетирилди.

Шундай қилиб, синтез қилинган акрилонитрил маҳсулотини ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самарага эришилади, кўрилган фойда 1 кг маҳсулот учун 13375 сўм ёки 1,2 АҚШ доллари миқдорига тенг иқтисодий самарадорликка эришилади.

Синтез қилинган акрил кислотасини ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашё нархлари 1 тоннага фақат бошланғич модданинг ўзи учун 41836000 сўм сарфланади.

Синтез қилинган акрил кислотасини ишлаб чиқариш учун барча харажатлар ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотнинг бозор иқтисодиётида 1 тонна тайёр маҳсулот учун 58039235 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди.

Акрил кислотасини ишлаб чиқаришда 1 кг маҳсулотнинг нархи

58039,235 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди. Четдан импорт қилинадиган акрил кислотасининг Ўзбекистондаги 1 кг миқдорининг нархи 91000 сўмга тенг эканлиги кетирилди.

Шундай қилиб, синтез қилинган акрил кислотаси ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самарага эришилади, кўрилган фойда 1 кг маҳсулот учун 32961 сўм ёки 3 АҚШ доллари миқдорига тенг иқтисодий самарадорликка эришилади.

1 тонна акрилоил мочевино ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашё нархлари фақат бошланғич модданинг ўзи учун 52352400 сўм сарфланади.

Синтез қилинган акрилоил мочевинони ишлаб чиқариш учун барча харажатлар ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотнинг бозор иқтисодиётида 1 тонна тайёр маҳсулот учун 70823049 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди.

Синтез қилиб олинган акрилоил мочевинонинг ишлаб чиқаришда 1 кг тайёр маҳсулотнинг нархи 70823,049 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб торилди.

ХУЛОСА

1. Таркибида винил гуруҳи сақламаган маҳаллий хомашёлар асосида акрил мономерлари синтез қилинган.

2. Синтез қилинган акрил мономерларининг унумига турли омилларнинг таъсири, ҳамда олинган акрил мономерларининг физик – кимёвий хусусиятлари замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланди.

3. Синтез қилинган акрил мономерлари асосида юқори бўқувчан гидрогеллар олинди, тадқиқотлар натижасида акриламид ва акрил кислотаси асосида олинган гидрогеллар юқори бўқувчанликни намоён қилишлиги аниқланди, ҳамда олиш технологияси ишлаб чиқилган.

4. Синтез қилинган акрилонитрил мономерлари асосида ёғоч конструкциялар учун олинган оловбардош қопламалар термик барқарорлигига кўра 1 – гуруҳга мансублиги аниқланган.

5. Олинган акрил кислотаси асосида сувда эрувчан фасад бўёқлари ГОСТ 28196 – 89 талабларига мувофиқлиги кўрсатиб берилди, ҳамда уни қурилиш материаллари сифатида қўллашга тавсия этилган.

6. Ситез қилинган акрил кислотаси асосида олинган гидрогелларни қўллаш натижасида пахта ҳосилдорлигини 12 ц га ошириши, ҳамда сув ва минерал ўғитларни 20-25% гача тежаши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

ТОЖИДИНОВ МАШҲУРБЕК БАХОДИРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ И ПРИМЕНЕНИЯ
АКРИЛОВЫХ МОНОМЕРОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/T2252.

Диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tktiti.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель: **Каримов Масъуд Убайдулла угли**
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Мухамедгалиев Бахтиёр Абдукадирович**
доктор химических наук, профессор

Каттаев Нуриддин Тураевич
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация: **Навоийский государственный горный институт**

Защита диссертации состоится «10» фев 2022 г. в «11⁰⁰» часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р.-н, ул. Шурабазар, (+99895) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: ooo_tniixt@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 16, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р.-н, Шурабазар, (+99895) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: ooo_tniixt@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «28» января 2022 года.
(протокол рассылки № 3 от «28» января 2022 г.).



А.Т. Джалилов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., проф., академик

Ш.Д. Ширинов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD тех.

Х.С. Бекназаров
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. С развитием промышленности, производства и народного хозяйства в мире растет спрос на полимеры с различными физико-химическими свойствами и изделия на их основе. В частности, важна разработка методов получения акриловых мономеров, являющихся основным сырьем в производстве гелей, лаков и покрытий, а также стекла и других деталей, используемых в строительной отрасли, машиностроении, сельском хозяйстве и медицине.

Сегодня в мире ведутся исследования по разработке новых, экологически чистых и экономичных методов синтеза акриловых мономеров, в том числе акриловой кислоты и ее производных из дешевого сырья, и их применения в различных областях промышленности и быта. В связи с этим особое внимание уделяется разработке новых эффективных технологий получения акриловых мономеров и их производных на основе уксусной кислоты и формальдегида, а также исследованиям по совершенствованию существующих технологий.

В результате масштабных мер, принятых в последние годы в республике, достигаются определенные научные и практические результаты в модернизации химической и фармацевтической промышленности, расширении номенклатуры конкурентоспособной продукции, создании новых запасов сырья и на их основе разработать технологии производства импортозамещающих продуктов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах приведена задача «разработка технологий получения импортозамещающих продуктов на основе местного сырья и вторичных ресурсов»¹. В связи с этим проведение исследований в области получения новых продуктов путем дальнейших разработок и диверсификацией химической промышленности за счет перехода на качественно новый этап имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации Указа Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07.02.2017г., Постановления Президента Республики Узбекистан №ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» от 25.10.2018г., Постановления Президента Республики Узбекистан №ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности» от 03.04.2019г.,

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития

¹Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07.02.2017 г.

науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан – VII. «Химическая технология и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Синтез, закономерности и свойства мономеров были изучены в научно-исследовательских работах ученых как Мурье, Koningsberger C., Solomon G., Мавсумзаде Э.М., Castelli A., Centi G., Leihong Zao, Jin M.H., Ueda W., Chiericato A., Vitcha, Li X., Zang Y., Lui L., Landi G., Pestana C., Nebesniy R.V., Jo Y.S., Arjunan V., Wang A., Kerler B., Lopez J.M., Havecker M., Kum S.S., Paula A.S., Thanasilp S., Ohara T., Witsuthammakul A., Dimian A.C., Pajonk G.M., Т.А. Сулейманов, А.Т. Джалилов, С.Ш. Рашидова, А.Г. Махсумов, Ф.А. Магруппов, О.С.Максумова, С.М. Туробжонов., А.С. Рафигов, М.Г. Мухамедиев и др.

Ими были изучены различные методы синтеза акриловых мономеров, влияние различных факторов на процесс синтеза, получение полимерных веществ на основе акриловых мономеров и их применение в различных отраслях народного хозяйства, а также предложены рекомендации по их внедрению в промышленность.

